

**МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН
ТАЛЬЛИМ ЁНДАШУВИНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Шукуров Хурсан Гадойевич, Норова Интизор Ҳақбердиевна
БухМТИ академия лицейи математика фани ўқитувчилари*

Таянч сўзлар: ноанъанавий, инновация, ёндашув, ҳамкорлик, дарс.

Аннотация: Бугунги кунда тальлим тизими олдида турган тальлим тарбия самарадорлигини ошириш жаҳон тальлим стандартлари даражасида билим бериш ҳамда тальлим инновацияларини жорий этиш орқали ҳар томонлама етук ижодкор маънавий бой, касб-ҳунарли, миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияланган, ўз мустақил фикрига эга баркамол шахсни камолга етказиш каби вазифаларни ҳал этишда тальлим муассасаларининг педагогик жамоаси хусусан ҳар бир фан ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятини тубдан ўзгартириши лозим. Замон талабига мувофиқ ҳолда ҳар бир фан ўқитувчиси ўзининг мутахассислигини, чуқур ўзлаштирган, педагогик-психологик ҳамда методик билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллаган, тальлим тарбия жараёнини самарадорлигини оширадиган замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор ва уларни тальлим жараёнига кўллай олиш малакасига эга бўлиши билан бирга инновацион фаолият эгаси бўлиши лозим. Ҳар бир дарс ўқитувчидан ўзига хос инновацияларни, яъни ижодий ёндашувни талаб қиласи. Мақола дарсларни шундай талаблар асосида ташкил этишда ёрдам берадиган ноанъанавий тальлим ёндашувларига бағишлиланган.

Агар бирор тизимни янгилашга қаратилган фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусуятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгаришишга хизмат қилса у “новация” (янгиланиш) деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси

муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у “инновация” (янгилик киритиш) деб аталади. Бошқача қилиб айтганда инновация деб, муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолиятга айтилади. Таълим олувчида янги ғоя, мөъёр қоидаларини яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, мөъёр, қоидаларни табий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълимга инновацион таълим дейилади. Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялар ёки таълим инновациялари деб номланади. Таълим инновациялари-таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялардан иборат деб айтиш мумкин. Айни пайтда ўқитувчи ҳар бир дарснинг муаллифи ҳисобланади. Чунки ўқитувчи ушбу дарсни тайёрлашда илғор ўқитувчилар тажрибасига таянади, услугбий қўлланмаларни ўрганади ва ҳоказо. Математика дарсида ўқув тарбия жараёнининг барча элементлари ўзаро уйғунликда бўлади. Булар мақсад ва мазмун, воситалар, методлар, таълимни ташкил қилиш шакллари билан узвий боғлиқ. Ноанъанавий таълимда 4 компонент узвийликда амалга оширилади. Булар мақсад, мазмун, фаолият ва натижа. Демак ҳозирги замон математика дарснинг асосий белгилари қуидагилардан иборат: дарснинг дастур талабига мослиги, ҳар бир дарс мақсадларининг аник режалаштирилиши, ўқувчиларни синфда толиқтирмасдан фаол ишлашларини таъминлаш, ўқувчиларнинг фанга ва билимларни эгаллаш жараёнига бўлган қизиқишига эътибор қаратиш ва ҳоказо. Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, математика фанини зқитища ноанъанавий таълим ёндашувларига қуидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шахсга йўналтирилган таълим ёндашувлари. Педагогик ва психологик ҳамда фанларни ўқитиши методикаларига бағишлиланган кўплаб ўқувчининг индивидуал хусусиятларини очиб беришга, унинг қобилиятларини ривожлантириш, қизиқишларини эътиборга олган ҳолда шахс сифатида шаклланишига ёрдам берувчи якка тартибда олиб бориладиган таълим шаклини шахсга йўналтирилган таълим деб қаралади. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларни кўзда тутади. Бу эса таълим лойиҳалаштирилаётганда, албатта, мавъум бир таълим олучининг шахсини эмас, аввало, мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашилишини назарда тутади. Таълим тарбия жараёнида қўлланиладиган барча усувлар шахсга қаратилганини эътироф этган ҳолда алоҳида олинган ўқувчига таълимий-тарбиявий таъсир этиш усулини ҳам шахсга йўналтирилган таълим усули деб атаемиз. Аньанавий таълим асосини тушунтириш ташкил этиб, бу тушунчалар фарқи қўйидагича шарҳланади: тушунтириш-битта субъект, монолог; англаш-иккита субъект бир-бирини тушуниши, ҳамкорлик диалогдир. Шахсга йўналтирилган таълим асосини тушунтиришдан англашга, монологдан диалогга, ижтимоий назоратдан ривожланишга, бошқаришдан ўз-ўзини бошқаришга ўтиш ташкил этади. Педагог фанини ўқувчилар билишига эмас, уларнинг ҳамкорлик қилишига, ижодкорлик хусусиятларини намоён қилишига эришиши керак. Ўқувчини педагогик қўллаб қувватлаш ўқитувчининг асосий вазифаси бўлиши керак. Ўқувчининг қўйилган масала устида ижодий изланиш, масалани тадқиқ этишга тажрибаси, имкониятлари, салоҳияти етарли эмас. Ўқитувчининг маслаҳати ва ёрдамига муҳтож. Ўқитувчининг қўллаб қувватлаши Ш.Амонашвили таъкидлашича қўйидаги тамойилларга асосланади: болани севиш, бола яшаётган муҳитни одамийлаштириш, ўз болалигини болада кўриш. Хорижий психологик тадқиқотлар педагогнинг вазифаси “бола шахсини шакллантиришда, ривожлантиришда”- деб таъкидлайди. Ўқитувчи синфда ўқувчининг индивидуал

ривожланишига таъсир этувчи муҳитни яратиш учун қуидагиларга амал қилиши керак: ўқув жараёни жавомида ўқувчиларга тўла ишончни намоён қилиш, ҳар бир ўқувчи ва синф олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш ва ифода қилишда қўмаклашиш, ўқувчиларга ички рағбат (мотив) мавжудлигига асосланиши, ҳар бир ўқувчи учун ўқитувчи турли-туман тажрибаларга эга, зарур бўлганда доимо мурожаат этиши мумкин бўлган манба бўлиши, ўқитувчи ўқувчилар гуруҳи руҳиятини сезиши ва уни қабул қилиши, гуруҳдаги ўзаро мулоқотнинг фаол иштирокчиси бўлиши, ўз ҳис-туйгуларини очик ифода этиши, ҳар бир ўқувчи ҳис-туйғилар ва кечинмаларини тушунишга эришиши, ўз-ўзини ва ўз имкониятларини яхши билиши. Шахсга йўналтирилган таълимни ташкил этувчи ўқитувчи болага, маданият ва ижодга қадр қийматли муносабатда бўлиш, инсоний педагогик муносабатни намоён қилиш, боланинг руҳий ва жисмонан соғлигини сақлаши, ўқув-ривожлантирувчи ва маданий-ахборот муҳитини яратиши ва мунтазам бойитиши, таълим мазмунини ўқувчи шахсини шакллантиришга қарата такомиллаштириши, ўқувчи шахсини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи турли-туман педагогик технололгияларни эгаллаши, ҳар бир ўқувчининг ўзига хос томонларини қўллаб-куватлаши ва ривожлантириши каби талабларга жавоб бериши керак. Ана шундагина бу ёндашувнинг натижаси смарали бўлиши мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Djourayev M. Fizika o'qitish metodikasi (Umumiy masalalar). – Toshkent: Abu Matbuot Konsalt, 2015. – 280 b.
2. Алихонов С. Математика ўқитиши методикаси.- Тошкент-2011.-303 б.
- 3, Yunusova D. Matematikani o`qitishning zamonaviy texnologiyalari. Darslik. – Т.: Fan va texnologiya, 2011. – 200 b.
- 4, Yunusova D.I. Ta'lif texnologiyalari asosida matematik ta'limni tashkil etish. Т., “Universitet”, 2005.- 131 b.